

ҲАБИБУЛЛО САИДҒАНИЕВ

# МЕНИНГ ОППОҚ ДАЛАМ

---

*Шеърлар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти.

1980

**ББК 84 Уз  
С 21**

**Сайдганиев Ҳабибулло.**

Менинг оппоқ далам: Шеърлар. — Т.; Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, — 44 б.

Пахтазорда ҳар кимсага сиғади ҳаддим,  
Пахтазордан менга равшан кўринар иқбол.  
Кўзларимда яшилликнинг бокира ҳиди,  
Тушларимга кириб чиқар оппоқ бир хаёл.

Бу — Ҳабибулло Сайдганиевнинг „Оқлик“ шеъридан олинган мисралардир. Шоирнинг шеърларида оппоқ хаёл”, „оппоқ дала“, „оққуш“, „оқ кўнгил“ сингари ибораларни кўп учратамиз. Дарҳақиқат, хоҳ она-Ватан мавзууда бўлсин, хоҳ дўст-ёрлик, садоқат мавзууда бўлсин, шоир ёркии туйғуларни тараннум этади.

Тўпламдан халқлар бирдамлиги мавзуудаги шеърлар ҳам ўрин олган.

**Сайдганиев Х. Моё белое поле. Стихи.**

**ББК 84 Уз  
Уз**

C  $\frac{70403 - 15}{M352(04) - 80}$  69—80 4702057020

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

\* \* \*

Үтлир бир сатрда туғилмоқни истайман,  
Дардли бир сатрда ўлмоқлайкни истайман,  
Бу сен ҳақингда  
бўлса агар,  
Ватаним.

## МАРВАРИД ДАЛАЛАР ҲАҚИДА ҚҰШИҚ

Бугун күзнинг руҳи қалбимга ҳоким,  
Күзни қамаштирап олтин хазонлар.  
Тун бўйи юлдузлар ёғару сскин,  
Уйғониб кетаман бирдан аzonлар.  
Ҳислар ёмғиррида қоламан бирдан,  
Марварид далалар чорлар бағрига.  
Ҳидлари жарангли жийда — гулбадан  
Елларга тутқазмай тураг баридан.  
Анҳорлар бўйида тераклар чўчиб  
Олисга йўл олган мисли турналар.  
Толлар ҳам турмаклар ссанин жунжикниб,  
Олисда осмоннинг бағри тирналар...  
Мен эса шабнамдан ичарман тўйиниб  
Заъфарон гулларга босиб лабимни.  
Ватан деганларин янгидан туйиб  
Яна далаларга очгум қалбимни.

## ПОЕЗД

Поезд олға талпинади.

Бир әшелон орзу,

ҳижроя,

мақсад билан

Шошиб боради.

Поездни кутиб оларлар

ва

Узатарлар олисга.

Хув, ўша мажнунтол,

Үт-ўланлар

Мовий қўллари-ла

Мовийликларга...

Хув, олисда бир болакай

Қўлин силкиб қолди бизга,

Оқ йўл тилаб beminnat...

Кими ҳам бор поездда унинг?

Ҳаммамиз ҳам нотаниш,

аммо

Асло эмас бегона..

Мен-ку манзилимда қоларман тўшиб.

Поезд бўлса минг йил юрар,

балким,

Миллион йил юрар,

Елкасида ҳижрон билан,  
орзу билан,  
мақсад билан.

Ҳар бекатда  
уни  
Болакайлар кутиб олмас экан,  
Қолмас экан оқ йўл тилаб  
Йўлимизда рўй берардек  
кори ҳол...

## МАИ ҚУШИГИ

Водийда тонг отар оққушдек титраб,  
Нур каби қанотин йиголмай қирдан.  
Мовийлик масканин кўклардан истаб  
Қуёшга интилар майсалар ердан.  
Чўққида чўғ бўлиб лолалар ёнур  
Чаманинг яшиллик қўшигин куйлаб.  
Оlamга ёмғирдек тўкилар зар-нур  
Курраи заминни гулларга буркаб.  
Қўшиқлар бағрида тин олар жаҳон,  
Табиат йўқотган тушини излар,  
Чамандан ўтмишлар сочишиб хандон  
Эгнида атласни ёндирган қизлар.  
Кун келди боланинг тушидек енгил,  
Бирдамлик қўшигин айлагаймиз ёд.  
Баҳорнинг нақадар уфқлари кенг  
Баҳор ҳам мовийдир, мовий коннот.

## ОҚЛИК

Рұхим бугун оқликлардан топади таския.  
Күнгил құмсар қайнарбулоқ далаңни.  
Не учундир бошқа жойда Ватаним ҳисси  
Пахтазордек титратмайди дилимни.

Пахтазорда ҳар кимсага сиғади ҳаддим,  
Пахтазордан менга равшан күринар иқбол.  
Күзларимда яшилликнинг бокира ҳиди,  
Тушларимга кириб чиқар оппоқ бир хаёл.

Ойдин кеча, ойдек пахта қешида  
Бир чол туар, умидлари билмаган тұзим.  
Шу отахон жала урган пахтазорнинг бошида  
Юм-юм йиғлаб турганини құрганман үзим...

Күнглинг шунча бүш әдими, отахон?  
Фам билмасин пахтадайин оқ күнглинг.  
Йўл олганда олисларга кагтакон карвон  
Ахир, оғир юкни танлаган ўзинг.

Мен бир нұноқ, гүр қаламкаш, қийналиб  
Тұкқунимча оқ қоғозга қатраны.  
Пахтазорни деҳқон неча айланиб  
Тоғ-тоғ қилиб уюб қўйди палтани.

Мен эса, бободеҳқон, мақтоворингга тополмай қиёс  
Үлтирибман ҳисларимга беролмай сайқал.  
Ва лекин биламан, бу тоғлар «оқ олтин»  
тоғлари эмас —  
Метин бардошингга қўйилган ҳайкал.

Руҳим бугун оқликлардан топади таскин,  
Кўнгил қўмсар қайнарбулоқ даламни.  
Не учундир бошқа жойда Еатаним ҳисси  
Пахтазордек титратмайди дилимни.

## УЙҚУСИЗЛИК

Тұқылғымдан уялиб кетаман баъзан,  
Бутлигимдан,  
Дунёда очларнинг кўплигидан,  
Кўплигидан юпунларнинг.  
Менинг Ватанимдан бўлса-да йироқда,  
Ҳар саҳарда  
Отам тенгги мўйсафид  
муҳтожликнинг бетига  
Шафақдайин парча-парча  
тупуради қон.

Унинг умри соя солмиш кунларимга.  
Менинг Ватанимдан бўлса-да йироқда.  
Бўрон йиртган булултардек тўшакда  
қиз ётар

Ўн тўрт яшар.  
Ўн тўрт кунли ойдек бўлғуси эди...  
Ўн тўрт пулга совурдилар номусин.  
Сўнг

маломат тошини отдиilar бир-бир  
Бу тошлар болиш бўлиб қолмиш  
шўрликка.

Тақдирি қаро синглим,  
Сенинг умринг соя солмиш кунларимга.  
Тўқылғымдан уялиб кетаман баъзан

Бутлигимидан ҳам.  
...Мабодо келиб қолса омадим  
Гўзал бир эртакда битилган мисол  
Ва  
    тутиб олсан қўлидан  
Ложувард бахтни,  
Бахтли бўлармидим ўшандар?  
Токи бахтни  
    ҳаводек,  
    осмондек,  
    юлдузлардек  
Тенг бўлишиб олмас экан халқлар  
Бахтлиигим  
    фариштасиз  
    кўринади кўзимга...

## **БЕТХОВЕН**

Сени синааб кўрди яна табиат,  
Энди эшитмассан навони ҳеч ҳам.  
Кар қулоқларингга қулайди фақат  
Титроқ юрагингдан тўкилган ғамлар.

Орган пардасини босасан шитоб,  
Товушлар қўйилар айқаш ва уйқаш.  
Қандайдир хонимлар қиласди хитоб:  
«Инқилоб!» — сенинг-чи қалбинг қонталаш.  
Ўзингни отасан куйларга ёниб,  
Ўзингни ўртайсан намунча ахир.  
Муҳаббат рангларин куйлардан толиб  
Рангларда яшамоқ амри маҳолдир.  
Севгилинг уқтирас ненидир тажанг,  
Сенда-чи безовта илоҳий юрак,  
«Турмуш, тўй», — деганин англадинг аранг,  
Ҳайқирдинг: «Қонталаш оҳанглар керак!»;

## **ЛОРКАНИНГ СҮНГИ ТУШИ**

Осмон айланарди,  
Осмон айланарди,  
Осмон айланарди  
Кузғунга.

## **ПАБЛО НЕРУДА**

Сўнгиз-сўнгиз умрларнинг сўнгизда  
Бир севги бор безавол.  
Бу севгининг мусаффодир осмони,  
Толе каби юлдузлари;  
Саодатлидир қуёши,  
Ниҳоясига етмай қолган китобингми осмон,  
Неруда?

Сўзларинг эдими юлдузлар,  
Неруда?

Меҳрингми эди қуёш,  
Неруда?

Қуёшни осмоқчи бўлдилар  
фашистлар,  
Неруда?

## БАДИҲА

Кўй учиб юрибди хонамда титраб,  
Адашиб қолгандек худди қабутар.  
Ўзини отару ойнага қараб,  
Нимқизил қонига шишани бўяр...  
Бир ҳикмат айтару ерга қулайди  
«Орзулар ўлади — инсон ўлмайди».  
Кўй учиб юрибди боғларда мискин,  
Бир гунча бағрига кириб беркинар.  
Келтирса шаббода гулларнинг исин  
Фойибдан садо-ла товушлар келар.  
Орзулар ўлади — инсон ўлмайди.  
«Илтижо қилинглар, гул сўлмасайди.  
Кўй учиб юрибди оламда яккаш  
Гўёки оқ сочи тўзғиган она.  
Қар — соқов қалбларга урар экан бош  
Ёдимга тушади ойнали хона...  
Шунда мажруҳ оҳанг эзиб куйлайди.  
«Орзулар ўлади — инсон ўлмайди».  
Кўй учиб юрибди қалбимда, Ерда,  
Унинг шиддатидан руҳим безиллар,  
Кўй титраб сўрайди: «Орзунг қаерда?»  
«Орзуни қўйсанг-чи», — дейди баъзилар.  
Хайқиргим келади: «Тўхтанг, бўлмайди.  
Орзу ўлмасайди — инсон ўлмайди».

## **ҲАЛИМА ОПАНИНГ ҚҰШИҚЛАРИ**

Водийда бурқсираб юрганда тутуи,  
Күринган дарахтлар этилганда дор,  
Эзгулик номардга бўлганда тутқун,  
Оқ рангда ёғмайин қўйгенида қор,  
Бир қўшиқ ёғарди юлдуздан,  
Бу қўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Тутундан қорароқ эди бу дунё  
Ой каби қизларин тангага сотиб.  
Ёшга тўла эди ғулули дарё  
Оналар қолганда соchlарин ёзиб.  
Бир қўшиқ ёғарди юлдуздан,  
Бу қўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Паҳлавон уйқудан уйғонган каби  
Халқим олганида қўлига қурол,  
Кўкда озод учди тонгдек кабутар,  
Бу тонгга ташланди калхатлар дарҳол.  
Бир қўшиқ ёғарди юлдуздан,  
Бу қўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Чўққиларда дайдиб юради бўрон,  
Фарёд урур эди тоғларга тўшин.  
Сут каби сувингда оқарди армон

Ҳамзадай тошбўрон бўлганди қўшиқ...  
Бир қўшиқ ёғарди юлдуздан,  
Бу қўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Бу замон тароват қўйнида олам,  
Ой бўлиб тўлишган кўҳли келинчак.  
Нурлардан аргимчоқ эшару шу дам  
Қора тол шохига ташлар беланчак.  
Бир қўшиқ ёғарди юлдуздан,  
Бу қўшиқ ёруғроқ кундуздан.

## ОЛТИН БАЛИҚ

Шамдек тұніб қолдым, дengiz, қошингда,  
Сенсиз ҳаёт асли үзи нимадир?  
Бошим уриб келганим йўқ бойлик ишқида,  
На хотиним бошлаб келди, на аччиқ тақдир.  
Ҳар кимга ҳам ҳамроҳ экан олтин балиқ  
жилвагар,

Мен ҳам олтин балиғимни тутмоқ ниятим.  
Қўлимда бор на тўр ва на қармоқ ҳийлагар,  
Менга умид — қалбимдаги оятдир.

Бир мартаға сени тутиб олишим шаксиз,  
Осонликча қўйворгали эмасман ҳеч анойи.  
Менга олтин ваъда қилиб ўлтирма ҳадсиз,  
Менга ваъда қилма турфа дунёни.  
Ҳаёл оқар сокингина ҳамда беминнат,  
Умид номли орол сари кетиб борар қайигим.  
Ҳаётимда сени тутиб ололсам фақат,  
Фақат әртак ҳадя қилгин, олтин балиғим.

## АРАВАГА ҚҰШИЛГАН ХАШАҚИ ОТ

Чавандозлар!  
Едингиздами?  
Зулукдек от эди Қорабайир,  
Зулукдек!  
Депсиниб құйғанида  
Нурлар сачтар әди туғидан  
Чилангар құлига  
Құйилган юлдузлар каби...  
Тезликда шамол билан қилас әди рақобат.  
Қорабайир армон әди күпларга, чавандозлар!  
Едингиздами?  
Улоқ чопганида  
Дұмбирага айланарди ер  
Хислар чапак уриб  
Рақсга түшиб кетар әди  
юраклар!  
Шодланиб гүзаллигидан  
Кишиаб юборганида,  
Борлық улкан құнғирогу —  
Жаранг әди овози,  
Инсанларни  
чорлагувчи байрамга.  
Қорабайир армон әди күпларга, чавандозлар!  
Зулукдек от эди Қорабайир.

Шунчалар қароки  
Узоқроқ тикилсангиз  
Мовийлашиб кетар эди у  
Орзудек.

Бир қиз севгисига умидвор йигит  
Қорабайирни миниб борса қошига  
Чил-чил синмас эди йигитлиги...  
Қорабайир армон эди кўпларга,

чавандозлар!

У шундек от эди  
Ушалмаган орзусида,  
Чавандозлар!

\* \* \*

Қизгиш қалтирайди ойнангдан чироқ,  
Кечанинг кўзида сурмарап соғинч.  
Гўзалим, осмондир йироқ, ер йироқ,  
Мовий юлдуз бўлиб боқурман, жоним.  
Балким, хаёлингга юлдузлар бўлиб  
Бесабаб тўкилдим — ёдингга олдинг.  
Деразанг очдинг-у, хаёлчан кулиб  
Шаррос нурларимни лабингга босдинг.  
Мен-ку бу оламда йўқ эдим, аммо —  
Самога сочилдим. Асов эҳтирос!  
Ахир, кўз ўнгингда куйгандим тамом  
Энди-чи — нур бўлиб келурман холос...

\* \* \*

Туҳматдек ўқ отди кимдир панадан.  
Жароҳатли қалбдан кўчмади фарёд.  
Туманга ўралди борлиқ дафъатан,  
Тумансиз эди-ку у севган ҳаёт.  
У на судралди, на уринди беҳол.  
Олмос кўзи ёнар ғазабга тўлиб.  
Гарчи шом уфқидир қонли изтироб  
Жасорат гуллари қолмади сўлиб.  
Сўнгги иродасин бир ерга тўплар,  
Чангалзорлар аро беркитар танин.  
Ногоҳ чақмоқ урган чинордек қулар:  
Иўлбарснинг ўлганин билмади ғаним...

## МЕН ТУШЛАРГА ИШОНМАЙМАН

«Ҳижронга қолмади ҳеч тоқатим,  
Иўлга чиққил эртароқ», — деган  
шаклсиз

Севгимни

Алоқа қутисига ташлаган куним,

Қуёшим,

Ойдек мактубинг қўлимга тегди.

Шошилиб чиқибман

поездга

Қақшаган асабларимга суюниб.

Сен ҳам

шошилиб чиқибсан

Ҳижрон рангли

затъфарон поездга

Ва улар

шитоб билан

интиларминш бир-бирларига

Танҳо йўлда,

Севгилим...

## ОҚҚУШНИНГ ҚУШИГИН ТИНГЛАБ

Бир қултум сув билан ичиб қўяйми сени,  
Турибсан-ку бир ҳовуч нур каби покиза.  
Бир қултум висолингга зор этдинг-ку мени  
Субҳидамда юзин очган гулдек бокира,  
Кеч ташламиш висол дамин тақдир ўртага,  
Азалданми толеимга битилган фироқ.  
Менинг қалбим иллатлардан сўнгсиз ўртангац,  
Сенинг қалбинг чизилмаган қоғоз каби оқ,  
Неча йиллар сени қўмсаб, кезиб саргардоц,  
Хаёлимдан яратдиму сифиниб олдим.  
Муҳаббатим кутмоқда деб олдда бегумон  
Мени севган не-не қалдан юлиниб қолдим.  
Яқиндирмиз бугун икки қош орасидан,  
Қўлим етар қўлгинангни тутгали бот-бот.  
Қора тортар руҳим икки қош қорасидан,  
Ииллар билан кириб келган ҳадик деган зот.  
Бир қултум сув билан ичиб қўярдим сени  
Ўзимдану ўйларимдан покроқ муҳаббат!  
Кипригимда кўтариб ҳам юрардим сени  
Ёшлигингдек орзу бўлиб қолмасанг фақат...

\* \* \*

Улмаган умиддек ҳали ёдимда  
Сен билан ўтказган тотли кунларим.  
Бир нафас кўрмасам сени ёнимда  
Хонамга сиғмасди унсиз унларим.  
Ёмғирдек қуйнилиб келарди сўзлар.  
Ҳеч ҳам қийналмасдик маъзуни излаб.  
Бугун, не сабабким, маъюсдир кўзлар,  
Бир нима ўртада қолди изиллаб.  
Сўз излаб қоламиз баъзан соатлаб.  
Нураб кетмасин деб ушбу эш ҳаёт.  
Ҳар ким ўз ташвишин ўзи орқалаб  
Қалтис йўлга юз тутдик наҳот?  
Тонггача тебратиб чиқасан бешик.  
Мен эса тонггача тебратиб қалам.  
Дафъатан хотирам қоқади эшик,  
Дафъатан ўртада севги ва алам.  
Ҳали ҳам ёдимда: гулдек очилиб,  
Бир бутун баҳт эди муборак севги.  
Биз уни бўлишиб олдик шошилиб,  
Бир бутун баҳт эди муборак севги...

## СҮНГГИ КАЛИМА

Қасалхона.

Ёшин яшаб қўйган чол.

Увоққина чол..

Неча кунким эрта ташлаб кетган кампирн

Кириб чиқар тушига.

Йўлларига кумуш танга сочармиш,

Чорлар эмиш ёнинга.

Хўroz илк бор қичқириб

Тун ўтганин билдиrsa

Ҳуши келиб ўзига

Туш таъбирин ечар жим...

Кириб келар невараси

Бир қўлида дастурхон

Бир қўлида гул билан.

Бу гулларни отахон

Кўрган каби ҳилолни

Бир-бир суртиб кўзига

Сўз бошлади сўнг сокин:

— Тинчмисизлар, ўғлим?

Мана, баҳорга ҳам етказди ўзи,

Шунга ҳам шукур.

Кузда пайванд қилган гулларим

Ниш уриб қолишгандир?

Боргунимча авайлаб тургин ўзинг.

Қуриб қолса увол бўлади, увол.  
Увол...  
Увол...  
Уввосга тўлди хона,  
Ташқарида айни баҳор,  
Уз иши-ла банддир табиат...

\* \* \*

Мен бугун дилимга дарахтнинг суратин чиздим,  
У эса ўрмонга айланиб қолди субҳидам.  
Субҳидам қушлари келди ўрмоннинг  
сайроқи, ранг-бараг.  
Ва қушлар қанотида олиб келди  
Ложувард осмонимни.  
Баъзилар дилимга тош отар  
Мен эса қайтадан  
Дарахтнинг суратин чизарман,  
У эса қайтадан ўрмонга айланар субҳидам  
Ва қушлар қанотида олиб кетажак  
Ложувард осмонимни.

## **БИРИНЧИ ПАРВОЗ**

Шовуллайди бепоён ўрмон,  
Шовуллайди ҳисларим каби...  
Қанотлари нимжон полапон  
Учиб кетди инидан нари.  
Тураг эдим ҳовучлаб жонни,  
Жимиб қолди бирдан табиат.  
Қучиб олгин дея осмонни  
Тилар эдим қушчага омад...

## **УМИД ИПЛАРИ**

Бир варрак учмоқда баҳор кўкида,  
Остида чуғурлар уч-тўрт болакай.  
Қувончдан қуёлмас ўзни бир ерга  
Умид ипларини тутиб тургандай...  
Кимдир ҳазил қилди қалтис, ўринсиз —  
Уфқнинг ортида қолди варраги.  
Навбаҳор тонгидек эди орзуси,  
Варраксиз осмондек энди юраги.

## **ОДАМЛАР**

Бир ҳовуч осмонга ўхшайди булоқ,  
Осмонга ўхшаган феруза.

Кўпироқ қўшиққа ўхшайди булоқ  
Кўшиқдек мусаффо,

қўшиқдек тиниқ.

Бир куни одамлар топдилар уни

Ва узоқ тикилиб қолдилар...

Сўнг қўшиққа қондилар

Сўнг

чақа ҳам отдилар бағрига,

одамлар қизиқ.

Бирдан сўниб қолди мўъжиза қўшиқ,

одамлар қизиқ.

Ярага ўхшайди чақалар...

\* \* \*

Бир парча ой оқар ойдинда,  
Бир парча булутни оғишиб.  
Оламнинг шодлигин олдида  
Турибди муваққат қувончим.

Бир парча ой оқар ойдинда,  
Қаҳқашон сочмоқда кумушин.  
Оламнинг дардларин олдида  
Турибди муваққат юмушим.

Бир парча ой оқар ойдинда,  
Кечани ёритмоқ тилаги  
Үйғотгин шу тунни, оламни,  
Тинчима, бир парча юрагим...

\* \* \*

Қатим-қатим шафақ нури  
Тик қирғоқда суринур.  
Куздан қолган мезон каби  
Пастда дарё кўринур..

Сокин-сокин қўшиқ келар,  
Қўшиқларда бўлмас гард.  
Афсонавий бир сеҳргар  
Сўлим-сўлим табиат.

Қувончидан тўлибми ё  
Инглаб олган гул-чечак.  
Шода-шода маржон аро  
Ўрик шохи беланчак.

\* \* \*

Бугун рутубатдан холидир дунē,  
Лолазорлар қалбга гулхан қалашар.  
Туман аро қалқиб турган ҳилол, ё  
Париларнинг рўмол тишлаб қарасин?

Ўнгирларда кўчиб юрар оҳулар,  
Навбаҳорнинг сармаст бўлиб бўйидан.  
Товус янглиғ уфқда булат кўринар,  
Қаҳқаҳасин тўкиб кетар қўйнидан.

Водийларда кезиб юрар яшиллик,  
Ҳаёт ўзи соҳибжамол бир малак!  
Ҳар кимсага сингиб кетар яхшилик,  
Новдаларга иниб қолар камалак...

## **ВАТАН ХУСУСИДА**

Чексиз туманликлар, бўшлиқлар аро  
Не баҳтким, яралдинг курраи озод.  
Ханжарнинг тифидек ҳамлакор армон  
Ичинда туғилди ҳайрон одамзод.

Не баҳтким, ястанган кўм-кўк багрдан  
Жой олмиш Ватаним — музaffer диёр.  
Ширин дамларимнинг ўтиб баҳридан  
Сенинг толеинигга бўлайин нисор.

Замонлар кўз очиб, келиб инқилоб  
Сенга баҳтнинг алвон тожини берди.  
Бир ҳўл марвариддек турдинг-да қалқиб,  
Сўнгра пахта бўлиб очилиб кетдинг.

\* \* \*

Қалдирғочнинг бўлганида қаноти қоғоз,  
Турналарнинг қанотида келганида ёз,  
Юрагимда умидларим битганда баёз,  
— Сизни ҳеч ҳам ўйламадим, — дединг кулганча,  
Ўлди булбул, сўлиб қолгаち дафъатан ғунча.

Қиймалардим тушларимни тун-ла эринмай.  
Тушларимда қийнар эдим сени ҳам, нетай.  
Қўлларимга лола тутдинг, сабабин айтмай,  
— Сизни ҳеч ҳам ўйламадим, — дединг bemalol,  
Қонлироқдир лолаларнинг рангидан хаёл.

Қор ёғарди этак-этак — жонсиз капалак,  
Менинг севгим таранг турган хавфли камалак.  
Мен на сайёд, сен ҳам на сайд, ўртада фалак.  
— Сизни ҳеч ҳам ўйламадим, — дединг гуноҳкор:  
Куз ўтганди, қиш ўтганди, ўтганди баҳор...

„Азал котиблари ушишоқ  
бахтиң қора ғазишилар“.  
Фузулий.

Эсмеральда!

Не қиласарди севиб қўя қолсанг Квазимодони.

Ахир,

Ойнинг нурларидан момиқроқ эди унинг севгиси.  
Эсмеральда!

У-ку билар эди хунуклигини тошбақадан ҳам,

Шунинг учун

У тайёр эди

Дунёдаги жамики кўзгуларни

Чил-чил синдиримакка бирма-бир,

У тасаввур эта олмас эди башарасини

Сенинг мукаммал ҳусни жамолнинг олдида.

Эсмеральда!

Агар сен сева олганингда Квазимодони,

Сенинг

Бир гул умридек

Муборак ўлиминг арафасида,

Биби Маръям ибодатхонасиининг

тош деворлари ортида

Зулайҳонинг хаёлларин ром этган

Юсуф бўлиб уйғонар эди Квазимодо,

Агар сен уни сева олганингда,  
Эсмеральда!

Чунки сен унга  
Туғма кўр,  
Умрида бир марта  
Тушида йинглаб топган ёруғлик каби  
Мўъжиза эдинг.

\* \* \*

Илнинжим бағримдан кетди узилиб,  
Дараҳтдан узилган сўнгги барг каби.  
Қафтимда негадир кўэсиз узугинг,  
Қафтимда узугинг сўнгги дард каби.

Дараҳтлар туарлар ялангоч, ҳорғин,  
Заъфарон барглардан узмайин кўзин.  
Табиат, сен уни бағрингга олгин,  
Табиат, дараҳтга бера қол тўзим..

\* \* \*

Боғлар гўлғанади ютинг, энтикиб,  
Рангпар хазонларга тўладир хилқат.  
Тинчини йўқотган қалбим қимтиниб,  
Сокин йўлларингдан топармиди баҳт?

Руҳимда адашган шамоллар расми,  
Руҳимда гулларнинг тиник чиройи.  
Руҳимда тўқилган япроқлар акси,  
Сенда эса унинг титроқ хаёли.

Мен энди гулларга ўқиб достонлар  
Юруман қалбимга қўндирамай ғубор,  
Сарғайган хазонлар аро мастона  
Мен сени куйлайман, мунааввар баҳор!

Мен энди юлдузга боқиб азонлар  
Муҳаббат макрига тушмогим душвор.  
Сарғайган хазонлар аро мастона  
Мен сени куйлайман, мунааввар баҳор.

Мен энди, мен энди...

\* \* \*

(Жак Превердан)

Мен бугун бозорга бордим,  
Қуш бозорига  
Ва сенга атаб сотиб олдим қушлардан,  
Менинг севгилим.  
Мен бугун бозорга бордим,  
Гул бозорига  
Ва сенга атаб сотиб олдим гуллардан,  
Менинг севгилим.  
Мен бугун бозорга бордим,  
Темирчилар растасига  
Ва сенга атаб сотиб олдим занжирдан,  
Оғир занжирдан,  
Менинг севгилим.  
Сўнг...  
Қўл бозорига бордим  
Ва сени узоқ ахтардим,  
Аммо тополмадим изингни,  
Менинг севгилим.

## МУНДАРИЖА

„Үтлиғ бир сатрда ...” . . . . .	3
Марварид далалар ҳақида қўшиқ . . . . .	4
Поезд . . . . .	5
Май қўшиғи . . . . .	7
Оқлик . . . . .	8
Уйқусизлик . . . . .	10
Бетховен . . . . .	12
Лорканинг сўнгги туши . . . . .	13
Пабло Неруда . . . . .	14
Бадиҳа . . . . .	15
Ҳалима опанинг қўшиқлари . . . . .	16
Олтин балиқ . . . . .	18
Аравага қўшилган хашаки от . . . . .	19
„Қизғиш қалтирайди ойнангдан чироқ“ . . . . .	21
„Туҳматдек ўқ отдим“ . . . . .	22
Мен тушларга ишонмайман . . . . .	23
Оқкушнинг қўшиғин тинглаб . . . . .	24
„Ўлмаган умиддек ...“ . . . . .	25
Сўнгги калима . . . . .	26
„Мен бугун дилимга дараҳтинг суратин чиздим“	28
Бириңчи парвоз . . . . .	29
Умид иплари . . . . .	30
Одамлар . . . . .	31
„Бир парча ой оқар ойдинда“ . . . . .	32

Қатим-қатим шафақ нури . . . . .	33
„Бугун рутубатдан холидир дунё“ . . . . .	34
Ватан хусусида . . . . .	35
„Қалдирғочнинг бўлганида қаноти қофоз“ . . . . .	36
„Эсмеральда!“ . . . . .	37
„Илинжим бағримдан кетди узилиб“ . . . . .	39
„Боғлар тўлғанади нотинч, энтикиб“ . . . . .	40
„Мен бугун бозорга бордим“ . . . . .	41

*На узбекском языке*

**ХАБИУЛЛА САИДГАНИЕВ  
МОЁ БЕЛОЕ ПОЛЕ**

**Стихи**

Редактор *М. Аззам*

Рассом *Т. Редкина*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *М. Исмоилова*

Корректор *Д. Мухиддинова*

**ИБ № 1269**

Босмахонага берилди 21.09.79. Босишга руҳсат этилди 15.1.80 й. Р 03713. Формати  $70 \times 108 \frac{1}{32}$ . Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 1,375. Нашр л. 0,95. Тиражи 5000. Заказ № 6150. Баҳоси 10 т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700129. Навоий кӯчаси, 30. Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича облость бошқармасининг Морозов номли босмахонаси. Самарқанд, У. Турсунов кўчаси, 82.